



**Бино ва иншоотларга коммунал ва эксплуатация хизматларини
кўрсатиш бўйича**

ТЕХНИК ТОПШИРИК

Ушбу техник топширик “Сувлойиха” ДУК (Бундан кейинги ўринларда “Сувлойиха” деб аталади) балансидаги Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Лабзак кучаси 1А-уйда жойлашган жами 1 576.00 м² майдондан иборат бўлган бино-иншоотларга коммунал ҳамда жорий таъмирлаш хизматларини кўрсатишни назарда тутади.

Ушбу хизматлар:

-бино ва иншоотларни кўриклаш ҳамда тозалигини сақлаш;
-электр ва иссиқлик энергияси, маиший чиқиндилар ва дезинфекция хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш, тўловларни амалга ошириш ва субистеъмолчилар ўртасида таксимлаш ҳамда таққослаш далёлатномаларини расмийлаштириш;

-иссиқлик тармоғи, трансформатор подстанцияси ва электр тармоғи, совуқ сув ва канализация тармоғи, бино ва иншоотлар, умумфойдаланишда бўлган йулакларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини амалга оширишни ўз ичига олади.

Юқорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун аниқ вазифалар ҳамда танловда қатнашувчи ташкилотларга қуйиладиган талаблар қуйида келтирилган:

I. Амалга ошириладиган ишларга қуйиладиган талаблар.

1.1 Бино-иншоотларда фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни амалга ошириш:

1. Туман электр тармоқлари корхонаси билан фойдаланилган электр энергияси тўловлари бўйича шартнома тузиш;
2. Фойдаланилган электр энергияси тўловлари бўйича белгиланган тартибда субистеъмолчилар билан шартнома тузиш;
3. Бинода жойлашган электр хисоблагичдан ўтган жами электр энергиясини субистеъмолчилар орасида таксимлаш;
4. Хар ойда фойдаланилган электр энергияси учун субистеъмолчилардан тўловларни ундириш;
5. Фойдаланилган электр энергияси учун туман электр тармоқлари корхонасига хар ойда белгиланган тўловларни амалга ошириш;
6. Хар ой якунида кейинги ойнинг 10 санасигача фойдаланилган электр энергияси учун амалга оширилган тўловлар юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси ва субистеъмолчилар билан тузилган

таққослаш далолатномаларини “Сувлойиха”га тақдим қилиб бориш.

1.2 Бино-иншоотларда фойдаланилган иссиқлик энергияси учун тўловларни амалга ошириш:

1. Бинода жойлашган иссиқдик энергияси ҳисоблагич оркали ўтган жами иссиқлик энергиясини субистеъмолчилар орасида тақсимлаш;
2. Туман иссиқлик энергияси таъминоти корхонаси билан фойдаланиладиган иссиқлик энергияси тўловлари бўйича шартнома тузиш;
3. Фойдаланиладиган иссиқлик энергияси тўловлари бўйича белгиланган тартибда субистеъмолчилар билан шартнома тузиш;
4. Фойдаланилган иссиқлик энергияси учун туман иссиқлик энергияси таъминоти корхонаси дар ойда белгиланган туловларни амалга ошириш;
5. Мавсумда ҳар ойда фойдаланилган иссиқлик энергияси учун субистеъмолчилардан тўловларни ундириш;
6. Мавсум якунидан кейинги ойнинг 10 санасигача фойдаланилган иссиқлик энергияси учун амалга оширилган тўловлар туман иссиқлик энергияси таъминоти корхонаси ва субистеъмолчилар билан тузилган таққослаш далолатномаларини “Сувлойиха”га тақдим қилиб бориш.

1.3 Бино-иншоотлардаги маиший чиқинди учун туловларни амалга ошириш ва бошда хизматларни курсатиш:

1. Бино-иншоотлардан йиғиладиган маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли корхоналар билан шартнома тузиш;
2. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тўловларни субистеъмолчилар орасида тақсимлаш;
3. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича белгиланган тартибда субистеъмолчилар билан шартнома тузиш
4. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли корхоналарга ҳар ойда белгиланган тўловларни амалга ошириш;
5. Ҳар ойда маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича субистеъмолчилардан тўловларни ундириш;
6. Ҳар ой якунидан кейинги ойнинг 10 санасигача маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича амалга оширилган тўловлар юзасидан тегишли корхона ва субистеъмолчилар билан тузилган таққослаш далолатномаларини “Сувлойиха”га тақдим қилиб бориш.

1.4 Бино-иншоотларни дезинфекция қилиш:

1. Бино-иншоотларни дезинфекция қилиш бўйича тегишли корхоналар билан шартнома тузиш;
2. Дезинфекция қилиш бўйича тўловларни субистеъмолчилар орасида тақсимлаш;
3. Дезинфекция қилиш бўйича белгиланган тартибда субистеъмолчилар билан шартнома тузиш;

4. Дезинфекция қилиш бўйича тегишли корхоналарга белгиланган тўловларни амалга ошириш;
5. Дезинфекция қилиш бўйича субистеъмолчилардан тўловларни ундириш;
6. Дезинфекция қилиш бўйича кейинги ойнинг 10 санасигача амалга оширилган тўловлар юзасидан тегишли корхона ва субистеъмолчилар билан тузилган таққослаш далолатномаларини Сувлойиха”га тақдим қилиб бориш.

1.5. Бино-иншоотлар ҳамда туташ майдонларни куриқлаш ҳамда тозалигини сақлаш:

1. Бино-иншоотлар ва туташ майдонларни 24 соат давомида кўриқлаш ишларини ташкил этиш;
2. Бино-иншоотлар ва туташ майдонларни хар куни тозалаш ва доимий озода ҳолатда сақлаш.

1.6. Бино-иншоотлардаги совук сув ҳамда канализация тармогини сақлаш ва таъмирлаш:

1. Пластик кувурларни таъмирлаш;
2. Хожатхона анжомларини янгилаш;
3. Совук сув ҳамда канализация тармоғини доимий соз ҳолатда сақлаш;
4. Бажарилган ишлар юзасидан далолатномаларни хар ой якунида кейинги ойнинг 10 санасигача Сувлойиха”га тақдим қилиш.

1.7. Бино ва иншоотларни сақлаш ва таъмирлаш:

1. Бинонинг умумий фойдаланишда бўлган қисмлари ва фасадини доимий соз ҳолатда сақлаш;
2. Бино кириш қисмини таъмирлаш;
3. Сувлойиха” билан келишган ҳолда таъмирлаш ва қурилиш ишларини ўтказиш;

II. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган техник-квалификацион талаблар

1. Бино ва иншоотларга коммунал ва эксплуатация хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият олиб бориши.
2. Ушбу техник топшириқда кўрсатилган вазифаларни бажариш учун керакли кадрлар ва ишчи ходимлар билан таъминланганлиги.
3. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуқда эгалик ва солиқдар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.
4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши лозим.

Юқорида кўрсатилган хизматлар учун хар ойга 12.0 (ўн икки миллион) сўмлик тўлов тўланади. Бир йил учун $12\ 000\ 000 \times 12 = 144\ 000\ 000$ сўм.